

# Фитрнинг вожиб бўлиш шартлари | Фиқҳ дарслари (329-дарс)



19:00 / 22.05.2025 1748

بُجِّتَ وَهُوَ قَدْ صُلِيَ الْمُرَحَّتِ وَبَوَّ، مَنْ يَمَلُّ أَنْ يُوَدَّ أَنْ يَزُلَّ بِأَصْنَانٍ لَمْ يَسْمُرْ رُحَّ يَلْعَبُ بَجَّتَ وَ  
دَلَّ وَهُوَ مُؤْمَرٌ وَأَرْبَدُ مَوْلَى وَأَكْلَمَهُمْ دَاخًا، أَرِيْقَ فِيهِ هَلْ فُطُوهُ وَسَفَنَ لِدَبِّ رِقُولِ أَعْقَفَنَ وَهُوَ عَيْحُ ضُأَلِ  
هُوَ دَبَّعَ وَهُوَ بَتَّ أَكْمَ وَهُوَ لَمْ يَنْعَلِ هَلْ فُطُوهُ رِيْبَكُلِّ هَدَلَوَّ وَهُوَ جَزَلُ أَلِ، أَرْفَاكَ وَأُ  
أَفَالِخَةَ كَرْتَشْمُ دِيْبَعَلِ أَدَّكَ وَكَرْتَشْمُ دَبَّعَ وَهُوَ دَعَبُ أَلِ إِبْقَابُ هَلْ دَبَّعَ وَهُوَ رَاجَّ لَلِ  
أَمُّهَلِ

رَحَّ أَنْ يُطْفَسَتِ أَلِ وَهُوَ مِيْدُقَاتِ رَاجَّ وَهُوَ رُطْفَلِ رَجَّ فَعُولُ طَبُّ بَجَّتَ وَ

**Садақаи фитр ҳур, мусулмон ва ўсмаса ҳам закот нисоби**(га етган моли) **бор одамга вожиб бўлади. Ўша** (ўсмас) **нисоб ила унга садақа олиш ҳаром бўлади ва қурбонлик ҳамда яқинларига нафақа бериш вожиб бўлади. У садақаи фитрни ўзидан, фақир бўлгани учун ёш**

**боласидан, мулки бўлгани учун ходимидан, агар у мудаббар, умму валад ёки кофир бўлса ҳам, беради. Киши хотини, катта боласи, бой бўлган ёш боласи номидан садакаи фитр бермайди. Балки бой бўлган ёш болага ўзининг молидан берилади. Шунингдек, биров ўзининг мукотаби, тижорат учун ушлаб турган қули, қочиб кетган қули, (илло, у қайтганидан сўнг,) шериклик қули ва шериклик қуллар номидан Муҳаммад ва Абу Юсуфга хилоф равишда, садакаи фитр бермайди.**

**Садакаи фитрни бериш ийди Фитрнинг тонги отиши билан вожиб бўлади. Уни олдиндан бериш жоиз. Кейинга қолса ҳам, вожиблиги соқит бўлмайди.**

Энди «Мухтасари Виқоя»да келган матннинг ҳар бир жумласини шарҳ қилишга ўтаммиз.

Садакаи фитр ҳур, мусулмон ва ўсмаса ҳам, закот нисобига молик бўлган одамга вожиб бўлади.

Бир кишининг нисобга етган моли бўлиб, у ўсадиган бўлса, закот берар эди. Аммо садакаи фитрда молнинг ўсиши шарт эмас. Нисобга етса, бўлди. Ўсмаса ҳам садакаи фитр бериши вожиб бўлаверади. Чунки фитр садақаси бериш имкони бор одамга вожиб қилинган.

**Ўша (ўсмас) нисоб ила унга садақа олиш ҳаром бўлади ва қурбонлик ҳамда яқинларига нафақа бериш вожиб бўлади.**

Кишининг мол-мулки кўпайиб, нисобга етгач, у бойга айланади. Бой одамга ўзига яраша молиявий вазифалар юкланади. Унинг закот ва садақа олиши ҳаром бўлади. Бой кишига қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Бой одам учун ўзининг яқин қариндошларининг нафақаси ҳам вожиб бўлади. Яна унинг зиммасига садакаи фитр бериш ҳам вожиб бўлади.

**У садакаи фитрни ўзидан, фақир бўлгани учун ёш боласидан, мулки бўлгани учун ходимидан, агар у мудаббар, умму валад ёки кофир бўлса ҳам, беради.**

«Мудаббар» – хожаси «Мен ўлганимдан кейин озодсан», деб қўйган қул.

«Умму валад» – хожасидан бола кўрган чўри.

Бу икки тоифанинг нафақаси хожага вожиб бўлади ва уларни сотиб юбориш мумкин бўлмайди. Хожаси уларнинг номидан ҳам фитр садақаси

беради.

Бунинг далили қуйидаги ҳадиси шарифдир.

عَاكَزَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعُ لَلِصَّهْلِ لَلِوَسْرِ رَضَرَ فَلَاقَ، أَمْ هُنَّ عُلُجَلُ لِي ضَرَرَمُعَ نَبَلِ عَ  
يَثُنُّ أَلْأَوْ رَكَذَلْ أَوْ رُخْلُ أَوْ دَبْعُ لَلِإِلَّ عَرِي غَشْ نَمَ أَعَا صُ وَأُرْمَتُ نَمَ أَعَا صُ رُطِفُ لَلِ  
يَلِ إِي سَانِ لَلِجُ وُخَلَبَقَ يَدُّوتُ نَأْ أَوْ بَرَمَ أَوْ، نَمَ يَمَلُ سُمُ لَأْ نَمَ رِي بَكَلْ أَوْ رِي غُصَلْ أَوْ  
عُةَ سَمَخُ لَأْ هَا وَرِةَ أَلْصَلْ

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр закотини хурмодан бир соъ, арпадан бир соъ миқдорида мусулмонлардан қулга ҳам, хурга ҳам, эркакка ҳам, аёлга ҳам, кичикка ҳам, каттага ҳам фарз қилдилар. Уни одамлар намозга чиқишидан олдин адо этишга амр этдилар».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

**Киши хотини, катта боласи, бой бўлган ёш боласи номидан садақаи фитр бермайди. Балки бой бўлган ёш болага ўзининг молидан берилади. Шунингдек, биров ўзининг мукотаби, тижорат учун ушлаб турган қули, қочиб кетган қули, (илло, у қайтганидан сўнг,) шериклик қули ва шериклик қуллар номидан Муҳаммад ва Абу Юсуфга хилоф равишда, садақаи фитр бермайди.**

Бу матнда зикри келган ва бой киши уларнинг номидан садақаи фитр бериши лозим бўлмаган шахсларга оид ҳукмларнинг баъзилари ҳозирда ҳам давом этаётган бўлса, баъзилари ўтган замон хабарига айланган. Ана ўша ўтган замон хабарига айланган тоифалар кишининг мукотаби, тижорат учун ушлаб турган қули, қочиб кетган қули, шериклик қули ва шериклик қуллардир.

Ҳукми боқий қолганлари эса қуйидагилар:

#### 1. Хотини.

Хотин мустақил шахсдир. У эрига мулк ҳам эмас, тўла қарам ҳам эмас. Хотинда эрнинг фақат завжалик ҳаққи бор, холос. Хотиннинг мустақил мулк тутиш ҳаққи бор. Шунинг учун садақаи фитр каби молиявий ибодатларни унинг ўзи адо этади. Аммо эр ўз ихтиёри билан хотинининг номидан садақаи фитрни адо этса, жоиз бўлади.

2. Катта боласи.

Балоғатга етган бола ўзи мустақил шахс бўлади. У мукаллаф бўлади. Ўзидан содир бўлган ишларга жавобгар бўлади. Ўзида мулк мустақиллиги бор. Бинобарин, у молиявий ибодатларини ўзи адо этади.

3. Бой бўлган ёш боласи.

Чунки бу боланинг ўз бойлиги бор. Шунинг учун унга вожиб бўлган садақани фитрни ўзининг молидан адо этилади.

**Садақани фитрни бериш ийди Фитрнинг тонги отиши билан вожиб бўлади. Уни олдиндан бериш жоиз. Кейинга қолса ҳам, вожиблиги соқит бўлмайди.**

«Фитр садақаси бериш ийди Фитр куни тонг отиши билан вожиб бўлади», дейдилар ҳанафий мазҳаби уламолари. Аммо Рамазоннинг аввалидан бераверса ҳам бўлади. Фақат намоздан кейинга қолдирмаслик керак.

Мабодо ийд намозигача бера олмаса, намоздан кейин бериши шарт. Лекин бунда савоби унча бўлмайди.

***«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.